

ИШОНЧ ЁРЛИҚПАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги ўзаро муносабатлар савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда, шунингдек, Ислом конференцияси ташкилоти каби халқаро ва минтақаий тузилмалар доирасида жадал ривожланмоқда. Икки томонлама сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, ишбилармон доиралар вакилларининг бевосита алоқаларини кўллаб-куватлашга қаратилган кўплаб кўшма лойиҳалар самарали маалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ҳақли рашида Мовароуннахрда, Миср эса Яқин Шарқда маданиятнинг, давлатчиликнинг энг қадимий маркази саналади. Бу заминда етишиб чиқсан улуғ мутафаккирлар жаҳон маданияти ва цивилизацияси ривожига улкан хисса кўшган. Дунёдаги энг узун дарё бўлган Нилда сув миқёсини ўлчайдиган иншоотни улуғ ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний ихтиро қилгани узоқ ўтмишда ёк халқларимиз ўртасида илмий ва маданий алоқалар юксак ривожланганидан далолат беради. Мисрликлар бу иншоотдан бугун ҳам фойдаланиб келмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил апрель ойида Миср Араб Республикаси га расмий ташрифи чоғида «Миқёси Нил» олдида Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали очилгани чукур рамзий маънога эга эканини тъкидлаш жоиз.

Миср Араб Республикасининг Фавқулодда ва муҳтор элчиси Муҳаммад Абдулқодир ал-Ҳашшоб ўз мамлакати барқарор ривожланиб бораётган Ўзбекистон — Миср муносабатларини юксак қадрлашини тъкидлаб, иктисолиётнинг турли соҳаларида икки томонлама ҳамкорлик кўламини кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

— Халқларимиз ўртасида кўп соҳалардаги ўзаро му-

носабатлар чукур тарихий илдизларга эга. Биз икки томонлама хужатларда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз. Мисрда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан изчиллик билан юритилаётган ички ва ташкиси сиёсатнинг муваффақиятлари ва юксак самаралари дикқат билан кузатиб борилмоқда, — деб таъкидлади Миср элчиси.

Мамлакатимизнинг Франция Республикаси билан ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш борасидаги икки томонлама алоқалар фаоллашмоқда. Жумладан, жорий йил 1 июль куни Савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Франция хукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мамлакатларимиз ўртасида иктисолиётнинг соҳада энг кўп қулийлик яратиш тартиби амал қилмоқда. 2009 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 189,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Мамлакатимизда франциялик сармоядорлар иштирокида 15 кўшма корхона тузилган.

Ўзбекистон иктисолиётига киритилаётган Франция сармояси ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бу жараёнга саноат, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, инфратузилма, сайдохлиқ, меҳмонхона бизнеси, транспорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда иш юритадиган олти юздан зиёд фирма ва компанияни жалоб қилиш режалаштирилган.

— Ўзбекистон ва Франциянинг савдо-иктисодий ва сармоявий соҳадаги ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга, — деди Франциянинг Фавқулодда ва муҳтор элчиси Франсуа Готье. — Ўзбекистон ҳалқининг юксак интеллектуал салоҳияти кўплаб соҳаларда ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Ўз миссиям даврида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш ниятиданан.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАНУБИДА СОДИР ЭТИЛГАН ФОЖИАЛИ ВОҚЕАЛАР ОҚИБАТИДА ЖАБР ЧЕККАНЛАРГА ИНСОНПАРVARVARLIK ЁРДАМИНИ КЎРСАТИШДА АЛОҲИДА ХИЗМАТ ҚИЛГАН АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФАОЛЛАРИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шаропов Анвар Курбонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эргашева Муяссар Тилловна — Кўргонтепа туманинда "Кўштепа" қишлоқ врачлик пункти мудири

Якубова Нигора Камалдиновна — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

"Жасорат" медали билан

Ботиров Иқболхон Кобилжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жалилова Маъмурда Абдурасуловна — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

Насирдинов Талят Пўлатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Пирмуҳамедов Жаҳонгир Рихсибовиҷ — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Расулов Қобулжон Толибовиҷ — Пахтаобод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Талипов Баҳодир Абдурович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Умирзаков Ҳуршидбек Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эралиев Бобиржон Толибжонович — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳокимининг диний маърифати

Йўлдошев Ҳусанбай Қосимович — Їалолкудук туманинда "Қашқар" қишлоқ фуқаролар йигини посонлари сардори

"Содик хизматлари учун" медали билан

Кетмонов Иқболиддин Ҳомиджонович — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот-таҳлил гурухи катта терговчиси

Мамадалиева Муқаддасхон Тоҳиддиновна — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта инспектори

Маткаримова Гулбаҳор Со-

биржоновна — Шаҳриҳон тумани ички ишлар бўлими 4-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми кичик инспектори

Назаров Аҳмаджон Насирдинович — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув отряди кутқарувчиси

Ташматов Баҳодир Абдурашитович — Жалолкудук туманиндағи "Ёркишлөк" қишлоқ фуқаролар йигини чегара посонлари сардори

Тошматова Иқболхон Абдуллаевна — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

Фаттаев Жаъфар Раҳманович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳайтмуратов Олимбек Тошпўлатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳайдаров Акмалжон Одилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳайдаров Ҳусан Нишонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шоодилов Фарҳод Шорустамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

"Шуҳрат" медали билан

Абдуллаев Фароҳиддин Абдуваҳобовиҷ — Қорасув шаҳар марказий поликлиникасининг умумий амалиёт шифокори

Абдураҳмонов Шуҳратбек Қўшқоబеовиҷ — Пахтаобод тумани ҳокими

Аманова Зулхумор Алижоновна — Қорасув шаҳридаги "Пахтаки" қишлоқ фуқаролар йигини раисининг диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Бегимкулова Маҳабатхон — Асака туманинда "Марқаоз" қишлоқ фуқаролар йигини раисининг диний маърифат ва маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Болтабоева Илтифотхон Ибрагимовна — Андижон шаҳ-

ри

Йўлдошева Замира Арабовна — Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Олтинкўл тумани бўлими раиси

Юсупов Нодирбек Комилович — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон шаҳар кенгаши раиси

Қодирова Нурхон Мамарайимовна — Марҳамат туманиндағи "Бўрибоши" қишлоқ врачлик пунктининг катта ҳамшираси

Қурбонов Элмурод Рустомович — Андижон шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 5 июль

ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАГИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Тальлим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2010 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иктисодий ривожланиши якунларига бағишлини ўтиши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 январдаги 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иктисолиётни ривожлантиришнинг мухим устувор вазифаларига бағишлини ўтиши.

2010 йилнинг биринчи ярмида комплекс таркибига киравчи вазирлик ва идоралардаги ижроси, жумладан, ишлаб чиқарышни мо-

дернизация қилиш, инвестицион лойиҳалар, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларни кўпайтириш дастурларининг инновацион лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

2010 йилнинг биринчи ярмида комплекс бўйича жами 1 202,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва

хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 114,3 фоизни ташкил этди. Аҳолига 602,3 миллиард сўмлик (106,5 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Чет инвестиция лойиҳалари бўйича 152,1 миллион АҚШ доллари микдорида маблаг ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 176,3 фоизга бажарилиши.

Экспорт прогнози кўрсатичлари 123,3 фоизни ташкил килиди.

Шунингдек, йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Болалар спорти обьектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тад

бирлар тўғрисида" ги ҳамда "Ўзбекистон миллий телерадиоидионияси тизимида юқори технологияли телерадиоискуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорлари ижросининг бориши, 2010-2011 ўкув йили учун умумтаълим мактаблари дарслик ва ўкув кўлланмаларини нашр қилишнинг аҳволи, "Барқамол авлод йили" давлат дастурда белгиланган вазифаларининг бажарилиши, миллий маънавиятимизни юксалтириш, ҳамжиҳатлини таъминлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш бўйича кўйилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлил қилинди.

Вазирлик ва идораларда, маҳаллий ҳокимлик органларида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати таҳлили, рақамли ва кенголосали телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, ундан ҳар бир оила фойдаланишига имкон яратиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Йигилишда комплекс таркибига киравчи вазирлик ва идораларда ижро интизомини мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тегишили топширилар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2010

Ўзингизга «Бахтли инсон ким?» деган саволни берганмисиз? Ҳаётда бирор-бир мақсад билан яшаш, ана шу йўлда изланиш, интилиш ва курашиш ҳам аслида бахт бўлса керак, халққа билим ҳадя этиш, қиласётган меҳнатингнинг самарасини кўриш янада кувончли. Бахт-икбон ҳақида истаганча фикрлаш мумкин, унинг тугал нуткаси йўқ. Ўқитувчининг бахти нимада? Қандай устозни бахтилар сирасига киритиш мумкин, у мудом шу ҳақда ўйлади.

Тинимсиз изланишда

Ўқитувчи ёзги таътил даврида ҳам мактабга келишни канда қилмайди. Сабаби, янги ўкув йилига қанчалик пухта тайёргарлик кўрилса, самараси кўп бўлишига меҳнат фаолияти давомида кўп бор икрор бўлган. Севганин касби туфайли бахтга эришган инсонлардан бири пойтахтимиздаги 144-мактабнинг бошланғич синфи ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси —

дидактик ўйинлар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиш юқори натижага олиб келади, — дейди Машрабхон Умарова. — Бу нарса ўз тажрибадан маълум. Ҳар бир ўкувчининг кичик бир муваффақиятини ҳам қўллаб-куватлайман. «Энг чақон қатнашувчи», «Билмасвойни ким енгади?», «Кувнок рақамлар» каби ўйинлардан фойдаланаман. Мана шундай ўйинлар натижасида ўқувчиларнинг оғзаки нутқлари,

рибасини ўрганиш, фикр-мулоҳазалар билдириш, ижодий кенгашлар билан бошланди.

Тинмай изланиш, кечалари ухламай тайёргарлик кўришлар, қолаверса, педагогик жамоамизнинг беғараз ёрдами туфайли шундай ютуқни кўлга киритдим.

Ҳамкаслар Фикри

— Машрабхон давр билан ҳамнафас ўқитувчи. Янги, илгор иш услубларининг ижобий жиҳатларини илгаб, мактабимиз ҳаётига олиб киряпти. У ўта кузатувчанилиги билан ажralиб туради. Атрофида содир бўлаётган ҳар бир воеа-ҳодисага бефарқ эмас. Ҳамкасларидан ёрдамини хеч қачон аямайди. Айниқса, ёш мутахассисларнинг доимий маслаҳатгўйи. Мактабда эришилаётган барча муваффақиятларда унинг алоҳида хизматлари, ташабbusлари бор, — дейди мактабнинг бошланғич таълим

Замон — шиддаткор, янги техника ва технологиялар ҳаётимизга кириб келмоқда. Ана шундай шароитда ўкувчиларга билим берадиган ўқитувчи ҳам ўз устида мукаммал даражада ишлаган ва ўзига ўта талабчан бўлиши лозим, деб таъкидлайди муаллима. Баҳслашиш шундай бўлсинки, у охир-оқибат ҳамжиҳатликка, муваффақиятларни кўпайишига олиб келсин. Тажрибали ўқитувчи ҳар бир машгулотни болаларга кўпроқ амалий билим бериш асосида ўтказади. Бунда унга дид билан жиҳозланган ўкув хонаси, турли стендлар ҳамда тарихий саналарга бағишилаб чиқарилаётган деворий газеталар ёрдам беради. Унинг грамматик крос-свордлардан фойдаланиши ўкувчилар билимини мустахкамлаб, мантиқий фикрлашга ўргатмоқда.

— Кизим Мухлиса Мұхаммаджонова ифодали ўқиши

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР — ЁШЛАР НИГОҲИДА

«Биоэкосан» ўкув-услубий мажмусида умумжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ёш табиатшунослар ҳаракати ташкил килинган кунга бағишиланган республика мактаб ўкувчиларининг «Табиат: кеча, бугун, эртага» деб номланган экологик анжумани бўлиб ўтди.



Халқ таълими вазирлиги, Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигига ўтказилган ушбу анжуманда ўкувчилар «Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги», «Маҳаллий экологик муаммолар — ёшлар нигоҳида», «Табиат бойликлари ва уларни муҳофаза қилиш» ҳамда «Табиат ва биз» деб номланган 4та шўйбада иш олиб бордилар. Ўкувчи ёшлар томонидан тайёрланган экологияяга оид реферат, альбом, расмлар ва турли кўргазмали қуроллар шўйбаларда муҳофаза қилинди. Улар орасидан Бухоро вилояти Ромитан туманидан келган ўкувчи Мехриноз Маъмуроева, Самарқанд вилояти Нарпай туманидан Ирода Бозорова, Хоразм вилояти Урганч туманидан Сабоҳат Эрназарова, Навоий вилояти Хатирчи туманидан Дилноза Рахматуллаеванинг тайёрлаган ижодий ва амалий ишлари ийғилгандарда катта таассурот қолдириди ва голиблини кўлга киритди.

Тадбир сўнгидаги шўйбадар бўйича голибларга диплом, фахрий ёрликлар ҳамда ҳомий ташкилтарнинг совғалари тақдим этилди. Умумжамоа ҳисобида олий ўринга Хоразм вилояти вакиллари муносиб кўрилди.

**А.КОБИЛОВ
Б. РИЗОКУЛОВ**
олган суратлар.



«МАҚСАДИМ — ИСТЕДОДЛАРНИ КАШФ ЭТИШ»

— дейди Тошкент шаҳридаги 144-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси Машрабхон Умарова

2010» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби Машрабхон Умаровадир.

— Янги ўкув йилида 1-синиф ўқувчилари билан иш бошлашим зарур, — дейди муллами. — Бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг асосий пойдевори ҳисобланади. Шу боис ҳам бошланғич синflарда бериладиган билимлар ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, болаларни қизиқтирадиган ҳамда ўйин машгулотларини ўз ичига олган бўлиши лозим. Бўлажак ўкувчиларимда ҳозирдан ноањанавий дарс тури, тушунтириш, сухбат, интерфаол методлар асосида маълум кўникмаларни шакллантириш устида бош қотиряпман. Ўтган йилги битирувчиларим чуқурлаштирилган дастур асосида ўқиди. Уларнинг ярми математика фани чуқурлаштириб ўтиладиган синфда ўқиётганилигидан хурсандман.

Фан хонасида турли-туман расмлар, тестлар, кроссвордлар, плакатлар ва бошқа дарс жиҳозлари янги ўкув йилига шай турди. Ёш авлод кела жагига бефарқ бўлмаган муллами таътил кунлари ҳам ўкувчиларининг янада самарали билим олиши учун изланишда.

Мехнатнинг самараси

Таътил кунлари ўқитувчилар ташкилий ишлардан ташқари, ўкув йили давомида ўкувчилар билим самарадорлиги қай даражада бўлганлигини ҳам таҳлил қиласидар. Бу йилги мониторинг натижаларига кўра, Машрабхон опа ўқитган ўкувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлди.

— Бошланғич синflарда



фикрлаш қобилиятлари ва билим доиралари кенгайиб дарсда фаоллиги ошади.

Машгулот жарабаиди ҳар бир ўйин мавзуга алоқадор тарзида дарснинг таълими-тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларини очиб беришга ва ўкувчилар билимини мустахкамлашга хизмат қилиши керак.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчisi - 2010» кўрик-танловининг республика босқичи давомида бу жиҳатларга жуда катта аҳамият берилди. Танлов қизиқарли ва ёдда қоларли бўлди. Янгиликлардан хабардор бўлиб, ҳамкасларимизнинг иш тажрибаларини ўргандик. Назаримда, бу тадбир замонавий билимларга эга, теран фикрловчи ўқитувчини шакллантиради. Билим масканларида нафақат ўқитувчи, балки ўкувчининг ахборот технологияларидан кенг фойдаланиб, ижодий ишларга қўл ураётгани, спорт соҳасидаги кўрсаткичлар бизни тўлқинлантириб юборди. Тадбир қатнашчиларга катта сабоқ, тажриба мактаби бўлди. Хуллас, кўрик-танлов ўқитувчilar таж-

методика бирлашмаси раиси Зарифа Миролимова.

Машрабхон ёшлигидан ўқитувчилик касбига меҳр кўйди, шу йўлни танлади. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 1-педагогика коллежида илк касбий билим ва кўникмаларни эгаллаган ўз мутахассис кейинчалик таҳсилни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университети)да давом эттириди. 1996 йилдан бўён эса 144-мактабда бошланғич таълим ўқитувчisi бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг 2009 йилда ўтилган очиқ дарслар, турли семинар ва анжумандардан иборат «Иш тажрибаларидан намуналар» тўплами ва 2010 йилда «Бошланғич таълим билимлар пойдевори» номли кўлланмалари нашр этилган. UNISEF томонидан ўқитувчilar учун ташкил этилган болага дўстона муносабатдаги мактаб лойиҳаси доирасида ортириган тажрибалари болалар билан ишлашда, улар билан дўстона муносабат мухитини яратишда кўл келмоқда.

Ҳар бир инсон қилган меҳнатлари мевасини кўрсинган экан. Чеккан захматлари ортидан кўзлаган мақсадига эришса, у чин маънода бахтилар сафига киришига шубха йўқ.

Анвар КОБИЛОВ

МАНА, ТАЛАБА БЎЛИШ ИСТАГИДАГИ ЁШЛАРНИНГ ОРЗИҚИБ КУТГАН ДАМЛАРИ ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ МАМЛАКАТИ МИЗДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ЎҚУВ ЎРТЛАРИДА ХУЖЖАТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Президентимизнинг жоий йил май ойидаги "2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига асосан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига ҳам абитуриентлардан хужжатлар қабул қилинмоқда.

— Янги 2010-2011 ўқув йили учун институтимизнинг бакалавр йўналишларига 450 нафар талаба қабул қилиш кўзда тутилган, — дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қабул комиссияси масъул котиби Ҳасан Турдивеков. — Шундан тўлов-контракт асосида 345, давлат гранти асосида таълим олиш учун эса 105 ўрин ажратилган. Шунингдек, магистратура йўналишида давлат гранти асосида таълим олувчи ёшлар учун 10та,

тўлов-контракт учун эса 26та ўрин ажратилди. Бакалавр таълим йўналишларига 2 июль ҳолатига кўра, 92 киши хужжат топшириди.

Институтда иқтисодиёт, молия, банк иши йўналишларидан таълим олишни хоҳлаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Консультатив марказда тажрибали ўқитувчилар математика, ўзбек тили ва адабиёти фанларидан, шунингдек, тест имтиҳони ўтказиш тартиб-қоидаларидан билим беришмоқда. Узок туман ёки вилоятлардан келгандар учун институтда 200 ўринли ётоқона шай ҳолга келтирилган.

— Мен Қашқадарё вилоятидан келиб, институтнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишига хужжат топширидим, — дейди абитуриент Н.Асадов. — Мақсадим — ўзим танлаган соҳа-

да таълим олиб, келажакда Ватанинга хизмат қилишдан изборат. Айни пайтда мазкур илм масканини билдиришни учун барча шароитлар муҳайё килинган.

— Ўтган йили институтнинг бухгалтерия ва аудит йўналиши бўйича тест имтиҳони топширгандим, — дейди иштихонлик абитуриент Т.Исройлов. — Аммо керакли бални тўплай олмадим. Шу боис бу йилги кириш имтиҳонига жиддий ҳозирлик кўрдим. Насиб қиласа, бу йил Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси бўламан.

Айни пайтда Самарқандаги барча олий ўқув юртларида абитуриентлардан хужжат қабул қилиш жараёнлари қизғин давом этаётит.

Ҳаким ЖЎРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ЮРТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ ИСТЕДОДИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ ВА КЎЛЛАБ-КУВВАТЛАШАГА КАТТА ЭТТИБОР БЕРИЛМОҚДА.

Иқтидорли ёшларга қаратилган лойиҳалар шулар жумласидандир. 2005 йилдан бўён «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ЎИХ ҳамкорлигига ўтказиб келинаётган «Келажак овози» кўрик танлови ўзининг аҳамияти ва кўлами жиҳатидан йил сайнин нуфузли тадбирлардан бирiga айланиси бормоқда.

Жиззах вилояти ёшлари ҳам танлов бошлангандан бўён унда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Бугунги кунгача вилоятимизнинг 18 нафар иқтидорли йигит-қизлари ушбу танловнинг галиби деб топилиб, уларнинг илмий-амалий, ижодий ишлари ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, Жиззах политехника институти талabalari Шукрулло Ваҳобов ва Жамшид Абдуназаров 2009 йили ушбу танловнинг «Техник ишланмалар, рационализаторлик таклифлари номинацияси бўйича галибларга эришган бўлса, бугунги кунда улар миллий автомобилсозлик компаниялари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

«Келажак овози» - 2010-кўрик-танловнинг бу йилги вилоят босқичи ҳам кескин баҳсларга бой бўлди. Йигит-қизлар турли йўналишларда ўзларининг иқтидорларини намоён этиши учун астойдил курашдилар. 15 йўналиш бўйича галиб деб топилган иқтидорли ёшлар энди танловнинг республика босқичида иштирок этади. Бу нуфузли танлов иштедодли ёшларни кашф этишда ўзига хос мактаб бўлиб, уларнинг келажакдаги парвоздарига қанот вазифасини ўтапти, десак муболага бўлмайди.

А.СОДИКОВ,
"Ma'rifat" мухбири



«ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ» ЖУРНАЛИНИНГ НАВБАТДАГИ 5-СОНИДАН БИР ҚАТОР ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР МАЗЗУСИГА ҚАРАТИЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ЎРИН ОЛГАН.

Жумладан, «Тилшунослик» руқнида Карши давлат университети ўқитувчиси Лайло Элмуродова «Даража тушунчасида энг сўзининг функционал-семантик майдони» хусусида баҳс юритса, «Гулшани давлат» асарида сажъ санъати мавзусига ни давлат» асарида кўл урган РТМ мутахассиси Кумрихон Султонова тадқиқотларда Оғаҳийнинг «Гулшани давлат» асарида кўлланилиш ўрнига қараб сажъ 5та гурухга ажратилиб, тавсиф ва тасниф этилганини далиллаб ўтади. «Адабий тақвим» руқни ўзбек шеърияти тараққиётiga ўзига хос хисса қўшган Миртэмирнинг ижоди ва ҳаёт фаолияти ҳамда Эмиль Золя таваллудининг 170 йиллигига багишиланган «Ҳақиқат ва адабиёт ўйнунгиди» материалларини ўқувчилар хукмiga ҳавола этиди.

Шунингдек, мазкур сонни қўлига олган журнахонлар «Ўзбек тили лексикасидаги луғавий ўзғаришлар», «Испан тилида зоонимик бирликлар ўртасидаги маъновий муносабатлар» материалларини ўқиб билим доираларини бойитишлари, берилган тест материалларидан фойдаланиб ўқувчиларининг ўзлаштириш даржаларини синовдан ўтказмоқлари мумкин.

О.МУРОДУЛЛАЕВА



Савида Тасмал Тамер Ариф мутахассиси. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми тарбия таъсисати ўқувчилари ўқувчилари жарнелиги

ФАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИННИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР

Унда туман саралаш босқичлари галиб деб топилган 34 нафар иштирокчи bellashdi.

Икки йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу танловнинг саралаш босқичларида 276 нафар ҳаваскор бадиий жамоалар, хонандалар қатнашди. Бугунги танловда мутахассислар томонидан иштирокчиларнинг нафақат профессионал тайёргарлиги, балки бадиий ижрочилик маҳорати, ижод

намунасининг савиаси, ижтимоий фаоллиги, юксак инсоний фазилатлари ҳам баҳоланди.

Мазкур қўшиклар танлови маданият ва санъат соҳасига, шунингдек, ҳаваскор хонандаларга нисбатан алоҳида ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Унда қандан-қанча иштедодли ёшлар қашф этилмоқда. Уларнинг иқтидорини юзага чиқариш ва ўз маҳоратини тўла намоён этиши

учун катта имконият яратиб беради.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи галиблари республика босқичига йўлланма олди. Шунингдек, фаол иштирокчилар кўрик-танлов ташкилотчилари томонидан эzsалик совғалари билан тақдирландилар.

Ризвоной НИЗОМОВА,
ЎзДЖТУ қошидаги
2-академик лицей
ўқувчиси

(Давоми.
Боши
1-бетда.)

ЙЎЛИНГИЗ

ФАРЗАНДИМНИНГ КАМОЛИ КУВОНТИРДИ

Битиувчилар! Уларнинг чехраси кувончдан гул-гул ёнб турбиди. Бундан уч йил олдин остона хатлаб келган ўғил-қизларнинг бугун дунё-қараши ўсиб, хуқуқий билим савиаси янада ошган. Энг асосийи, улар ўзлари кизиқан иккى ёки уч йўналишдаги касб-хунар сирларини ҳам эгаллашди. 2009-2010 ўқув йилида Хоразм вилоятида 24 360 нафар ўш ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларини 88 мутахассислик бўйича тутатди. Воҳада ёш авлоднинг малакали касб эгалари бўлиш, илм олишлари учун энг кулий имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Урганч курилиш касб-хунар коллежида битиувчиларга диплом бериш тадбири бўлиб ўтди. Байрамона безатилган ўқув масканинг каттакон залига битиувчилар ва уларнинг ота-оналари, жамоатчилик, ҳомий ва васий ташкилотлар вакиллари, меҳнат фахрийлари, УрДУ профессор-ўқитувчилари ташириф буюришди. Тадбирии коллек директори Ҳайтбой Абдуллаев очиб берди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи олиби кирилди. Давлат мадхияси янгради.

Байрамона тарзда бошланган тадбир барчага хушнудлик кайфиятини улашди. Мазкур даргоҳда кўп йиллар самарали ишлаган, бугун кексалик гаштими суроғтган педагог Сулаймон Юсупов битиувчиларга оқ фотик берди. Ота-хон макоматимизда ёшларнинг имкониятлари олишлари, касб-хунар эгаллашлари йўлидаги яратилётган кенг имкониятлар ҳақида тўлқинланиб галирар экан, ўғил-қизларига таинчлики ардоқлашни, Ватанни севиши таъкидлади. Ота-оналар номидан сўз

олган Мехрибон Жуманазарованинг мuloҳазаларини эътиборсиз қолдириб бўлмасди: — Мазкур азиз масканинг ўғил-қизларнинг бугун дунё-қараши ўсиб, хуқуқий билим савиаси янада ошган. Энг асосийи, улар ўзлари кизиқан иккى ёки уч йўналишдаги касб-хунар сирларини ҳам эгаллашди. 2009-2010 ўқув йилида Хоразм вилоятида 24 360 нафар ўш ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларини 88 мутахассислик бўйича тутатди. Воҳада ёш авлоднинг малакали касб эгалари бўлиш, илм олишлари учун энг кулий имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Мен «Келажак овози — 2008» танловининг республика босқичида дизайн йўналиши бўйича меваффакиятли иштирок этиб, галиб бўлдим. Дизайн соҳасидаги билимларим ва маҳоратимнинг бениҳоя улкан ҳиссаси бор. Устозларимни ҳеч кечон унутмайман, — деди дизайн йўналиши ўқувчиси Гўзал Рўзматова.

— Касб-хунар масканимизи 401 нафар йигит-қиз битиувчиларга диплом бериш тадбири бўлиб ўтди. Байрамона безатилган ўқув масканинг каттакон залига битиувчилар ва уларнинг ота-оналари, жамоатчилик, ҳомий ва васий ташкилотлар вакиллари, меҳнат фахрийлари, УрДУ профессор-ўқитувчилари ташириф буюришди. Тадбирии коллек директори Ҳайтбой Абдуллаев очиб берди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи олиби кирилди. Давлат мадхияси янгради.

«Компьютер графикаси» йўналишидан Соататжон Ҳайитбоя ва Ойша Юсупова, «Газ таъминоти» йўналишидан Орзубек Раматов, «Архитектура» йўналишидан Ҳайитбой Абдуллаев. — Шулардан 9 нафари имтиёзли диплом эгаси бўлди.

«Бухгалтерия» йўналиши бўйича Шоҳида Сапаева, «Молия йўналиши» бўйича Ортиқбай Саъдullaev ўзларининг аъло ўқиши ва намунали ҳуқуки, жамоат ишларидаги фаоллиги баробарида тенгдошларига на-муна кўрсатдилар.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА
Хоразм вилояти

ХУНАРЛИНИНГ ЙЎЛИ ОЧИК

2009—2010 ўқув йилида Булоқбоши иқтисодиёт ва ёнгил са-ноат касб-хунар коллежини компьютер тармоқларини ишлатиш, уларнинг дастурий таъминоти, молия, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик хукуки фаолияти, дизайнер, саноат маҳсулотларини лойиҳалаш ва безатиш, тикувчилик ишлаб чиқиши йўналишлари бўйича 296 нафар ўқувчи битиурди.

Коллеж битиувчиларига диплом топшириш маросимида 29 нафар битиувчиларни имтиёзли дипломга эга бўлган бўлса, энг фаол битиувчилардан 20 нафарига коллеж маъмуритининг Гулчехра Каримова, Энахон Дехқонова сўзга чиқиб, фарзандларининг билим олишлари учун етарли шароитларни лойиҳалаш ва безатиш, тикувчилик ишлаб чиқиши йўналишлари бўйича 296 нафар ўқувчи битиурди.

Шунингдек, Булоқбоши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежида ҳам битиувчиларга диплом топшириш тантанаси бўлиб ўтди. Бу ўқув Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олди. Шунингдек, фаол иштирокчилар кўрик-танлов ташкилотчилари томонидан эzsалик совғалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, Булоқбоши педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежида ҳам битиувчиларга диплом топшириш тантанаси бўлиб ўтди. Бу ўқув Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олди. Шунингдек, фаол иштирокчилар кўрик-танлов ташкилотчилари томонидан эzsалик совғалари билан тақдирландилар.

Нигора Кўчкорова битиувчилар номидан сўзга чиқиб: «Бизга тажрибали устозлар, ўз фанларининг усталари сабоқ берди. Амалиётни ўташ даврида кўпчилигимиз

ОЙДИЧ БУЛАСИН, АЗИЗ БИТИРУВЧИЛАР!

159 НАФАР БИТИРУВЧИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Тошкент Радиотехника касб-хунар коллежида ҳам битирувчиларга диплом топшириш маросими уюшқолик билан ўтказилди. «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигига ўтказилган тадбирда Тошкент шаҳар ўрта маҳсус, касб-хунар тълими бошқармаси, 91-17-сонли ҳарбий қисм, «Ўзбектелеком» АК Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали, «Оила» маркази туман бўлими вакиллари, «Дустлик» маҳалла фаоллари иштирок этиб, битирувчиларни табриклиши.

Шундан сўнг, Тошкент шаҳар ўрта маҳсус, касб-хунар тълими бошқармаси вакили Сайдвали Усмонов уч йил да-



вомида ўзининг намунали хулқи, ахлоқодоби билан барчага ўрнак бўлган 20 нафар ўкувчига имтиёзли диплом ва фахрий ёрлиқ топшириди. Шунингдек, кечадай илгор, ташкилотчи, ташаббускор гурӯх раҳбарлари ҳам тақдирланди.

Дарвоқе, бу йил ушбу тълим масканида таҳсил олган 256 нафар ўғил-қиз телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш, телекоммуникация, бухгалтерия хисоби ва аудит, компьютер тармоқлари ваофис жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш, автотранспорт воситалярига техник хизмат кўрсатиш, алоқа линияларига техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларни тамомлаб, кичик мутахассислик дипломига эга бўлди.

— Жорий ўкув йилининг иккинчи уч ойи давомида ўкувчилар «Ўзбектелеком» АК Тошкент шаҳар телефон тармоғи, Юнусобод туманидаги 8-автопарк, «Фотон» масъулияти чекланган жамиятида мутахассисликлари бўйича амалиёт дарсларини ўташди, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари З. Нагмаджонова. — Улардан 159 нафари тўлиқ иш билан таъминланди. 97 нафар ўкувчи эса олий ўкув юритига ўқишига кириш мақсадида тайёргарлик кўришаёт.

Хулкар РАЖАБОВА

МАҚСАД ВА НИЯТЛАР АНИК

Уч йил давомида пухта билим олиб, касб-хунар эгалаган ёшларнинг қувонч ва шодлиги чексиз. Зомин тибиёт коллежи битирувчилари ҳам ана шундай ҳис-ҳаяжон билан яшамоқдалар.

— Диплом топшириш тантаналари ҳаётимизда учмас из қолдирмоқда, — дейди Зомин тибиёт коллежининг битирувчиси Вазира Тангирбердиева. — З-босқичда ўкув-амалиётини Зомин туман тибиёт бирлашмасида ўтказдим. Хирургия бўлимида ҳамшираликинг барча нозик сир-асрорларни ўзлаштиришга ҳаракат килдим, муолажаларни амалга ошириш, беморлар билан мулоқот қилишини малакали шифокор ва тибиёт ходимлари чин дилдан ўргатиши. Амалиёт давридаги фаолияти уларга маъкул келиб, уч томонлама шартнома тузишга эришдим.

Насиб этса, эрта-индин хирургия бўлимида иш бошлайман.

Вазиранинг курсдоши Барно Ўролова ҳам хирургия бўлимида ишлаш учун тибиёт бирлашмаси билан уч томонлама шартнома тузган. Бу йил ўкув юртими 800 нафардан кўпроқ ўйигит-қиз битирмоқда. Уларнинг кўпчилиги туман ва вилоятнинг чекка қишлоқларидан келишган. Шу боис ҳам битирувчи ҳамшира ва фельдшерларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларда ишлашга ўйлланма олаётганилиги қувончли ҳолдир. Битирувчиларнинг аксарияти қишлоқ врачлик пунктлари ва фельдшерлик пунктларида иш фаолиятини бошлайдилар.

Бу йил Жиззах вилоятида ўрта маҳсус ва касб-хунар тълими муассасаларини 16110 нафар ўйигит-қиз тугатмоқда. Уларнинг аксарияти

ти аниқ иш жойига эга. Ўкув илии давомида ўтказилган «Касблар фестивали», «Мутахассислик — сенинг келажагинг» тадбирларида иштирок этган ўкувчи-ёшлар меҳнат ярмаркаларида ўзларига маъкул келган соҳалар бўйича турли ташкилот ва корхоналар билан уч томонлама шартнома имзолашга келишишган. Баркамол авлод йида мустақил ҳаётга қадам ташлаётган битирувчиларнинг мақсад ва ниятлари аниқ. Чунки улар ўзлари танлаган соҳалар бўйича ишлаш имкониятига эга бўлишган. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ва ҳаётда ўз ўрнини топишига эътибор ва фамхўрлик уларга ана шундай имконияти ҳади этаётir.

Абдусаттор СОДИКОВ

Жиззах вилояти

УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА — АМАЛДА

Марғilon шаҳридаги педагогика касб-хунар коллежининг 1034 нафар битирувчисига диплом топшириш маросими шаҳар марказий истироҳат боғида тантанали суратда бошланди.

Тантанали маросимда давлатимиз маддияси янграгач, шаҳар ҳокими И. Маматов битирувчиларни табриклиар экан, катта ҳаёт бўсағасида турганликлари, уларни олдинда она Ватанимизга садоқат билан хизмат килиш масъулияти кутиб турганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда устозларимиз бизлар учун қанчалар машаққатли меҳнат қилганликларини чин дилдан хис этиб турибмиз, — дейди ўкувчи М. Жўраева, — устозларимизнинг ишончларини оқлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарзид. Мен Фарғона давлат университетидаги ўқишини давом эттириб, ўртимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбиячиси бўлмукчиман.

— Ўқиши даврида намунали аъло баҳоларга ўқиган, одоб-ахлоқда ўрнак бўладиган 117 нафар ўкувчиларни имтиёзли диплом топшириди, — дейди коллеж директори Кодиржон Ишонов, — битирувчиларининг кейинги иш жойлари аниқ килиб кўйилган. Уларнинг 97 фоизи билан уч томонлама шартномалар тузилган. Битирувчиларимиз ичиза ўкув илии давомида ишлаётганлар кўпчиликни ташкил этди. З. Ахмедова, Р. Абдулланопова Охунбобоев туманидаги мактабчага таълими муассасаларида, М. Жўраева, Д. Соилжонова, Ф. Орилова каби битирувчиларимиз эса шаҳардаги МТМда тарбиячи бўлиб ишламоқдалар.

Баҳодиржон ШОКИРОВ
Фарғона вилояти

«ЎЗ ЎРНИМНИ ТОПДИМ»

Сергели енгил-саноат ва сервис касб-хунар коллежида ўтказилган битирувчиларга диплом топшириш маросимига жамоат ва давлат ташкилотларидан меҳмонлар ташриф буориши. Тадбир давомида коллеж рахаби А. Қосимова ҳамда маросимига ташриф буорган меҳмонлар битирувчиларга оқ йўл тилади. Шундан сўнг, коллеж директорининг касбий тълим бўйича ўринбосари Д. Дадабоев сўзга чиқиб, бу йил 204 нафар битирувчичи-ёшдан 193 нафари уч томонлама шартнома бўйича иш жойлари билан таъминланыётганлиги тўғрисида гапирди ва эзгу тилакларини билдири.

Биз иш жойларига эга бўлган битирувчиларнинг айримларини сухбатга чорладик.

Шахзод Азимов: — «Автотранспортда юк ташиш ва уни бошқариш» йўналишини тугатдим. Соҳам бўйича 4-автокорхонага ишга жойлашяпман. Касбимдан, танлаган соҳамдан фаҳрланаман.

Севара Умрзокова: — Мен ҳам ўқишини аъло баҳоларга тугатиб, Сергели ҳокимияти қошидаги «Ягона ойна маркази»га ишга қабул қилинди. Бунинг учун аввало устозларимга раҳмат айтаман.

Нозима Ваҳобова: — «Бухгалтерия хисоби» йўналишини тугатар эканман, амалиётдаги фаолиятим анча кўл келди, иш жойим тайин, мазкур коллежнинг ўзида меҳнат фаолиятимни бошлайпман. «Баркамол авлод ийлиз» биз ёшлар учун серунум бўлишига, ҳар бир битирувчи ўзларига билдирилаётган ишончни оқлашига аминман. Барча тендошларимга омад тилайман.

Сардор Мирзаев: — Автомобилга техник хизмат кўрсатиш йўналишини тугатпман. Аъло баҳолар билан ўқидим. Авточилангарилик касбинани тўла ўзлаштириб, хунар эгаси бўлдим. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон давлат санъат институтига ўқишига кириш ниятидаман.

Майра Мухторова: — Тикувчилик касбини эгалладим. Танлаган хунаримдан ота-онам жудаям миннатдор. Амалиёт жараёнидаги ишларим оиласидагиларга жуда маъкул бўлди. Ўзим ҳам хусусий тикув цехларидаги иш бошлайпман. Энди ўзим танлаган соҳа бўйича хонадонимиз бюджетига улуш кўша оламан. Устозларга раҳмат айтиб, бугун кўлимга олаётган дипломимни — келажагим гарови деб қабул қиласман.

Курбонбой МАТ҆ҚУРБОНОВ

УСТОЗЛАРИ ИШОНЧНИ ОКЛАШАДИ

Тошкент Авиасозлик касб-хунар коллежида 2009—2010 ўкув йили битирувчиларига диплом топширишга багишланган маросим ҳам кўтаринки руджа бошланди. Маросимни коллеж директори Қобил Йўлдошев очар экан, билим даргхини тамомлаётган 411 нафар битирувчини бу айм билин чин юракдан кутлади.

Шундан сўнг меҳмон сифатида ташриф буорган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ходимлари ҳамда ТДТУ авиаация факультети деқани Тўлқин Сагдиев, шу факультетнинг авиаация кафедраси мудири Нуриддин Абдужабборов сўзга чиқиб, учирма бўлаётган бу қалдирочлардан нафақат ота-онаси ва яқинлари, балки бутун халқимизнинг умиди катта эканлигини айтиб ўтишди. Сўнгра директор томонидан тасдиқланган бўйруқка асосан, ўқишида юқори кўрсаткичларга эришган ва ўкув юрти жамоат ишларида фаол иштирок этган 10 нафар ўкувчига имтиёзли диплом, фахрий ёрликлар, эсдалик совғалири топширилди.



— 18 нафар ўкувчимдан 4 нафари имтиёзли диплом билан тақдирлангандан беҳад мамнунман, — дейди гурух раҳбари Гулхан Йўлдошева. — Улар қаторида барча ўкувчиларим ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий ва хукукий соҳаларда муносиб ўрин эгаллашларига ва ёш мутахассислар бўлиб, жамиятга фойда келтирадиган шахс бўлишига ишонаман.

Коллежни тугатиб ҳозирги кунда соҳаларда фаолият юритаётган сабиқ ўкувчиларнинг билим юртига ташриф буориб, бугунги битирувчиларни табриклиши ҳам уларга янада қувонгаш баш этди. Битирувчиларни концерт дастурларига уланиб кетди.

Анвар ҚОБИЛОВ

Бурҳон РИЗО ва В. ГРАНКИН олган суратлар.

Ҳаким ЖЎРАЕВ
Самарқанд вилояти

«Лочин» бағридағи болалар

Эрта тонг. Гүзәл табиат. Күшларнинг чуғур-чугури. Шиддирәб оқаёт-тән сойнинг түлкінчаларыда эндигина уйғонған күёшнинг акси. Бу түлкінлар худди қақажонларнинг эркаликлари каби шұх, содда қалблари сингари покиза. Баланд-баланд, серяпроқ дараҳтлар бағрида жойлашған, Шўрохон қишлоғининг кўркига кўрк қўшиб турған мўъжазгина бино. Айни дамда бу даргоҳ болаларнинг ширин уйқудан уйғонишию, бағрида яйраб ўйнаши учун тайёргарлик кўраёттандек. Ҳамма ёқ сарножом-саришта. У ерга қадам қўйсангиз, танангизда ажаб бир ҳисни туясиз. Кеттингиз келмай, яна озроқ қолишини хаёл қиласиз.

Бу номи дунёга достон бўлган афсонавий маскан ҳам, чиройи лол қолдирувчи жой ҳам эмас. Оддигина болалар оромгоҳи. Лекин нега унинг таърифини тўлиб-тошиб гапирдингиз, дейишиңгиз мумкин.



Бу дам олиш маскан шуниси билан гүзәлки, унда болалар кулгисидек гүзәл мусиқалар янграйди. Унинг бағрида оилани мустаҳкамловчи, юрт тинчлигини сақловчи, бир хонадонни гуллатувчи, келаҗакда эл-юрт манфаати учун курашувчи эртанги авлод завқ-шавқ олади, ўйнаб-кувнайди. Ундаги ҳар бир дараҳт, ҳар бир жой ва ҳаттоқи, кичкинагина майсалар ҳам кичкинтойларнинг гулгун чехрасидан озуқа олаёттандек гуллабяшнайверади. Бу даргоҳ болаларга қилаётган беминнат хизмати учун ҳам халқнинг дуоси, эъзози ва эътирофига сазовор бўлган, десак янглишмаймиз...

«Лочин». Тўрткўл туманида жойлашган ушбу болалар оромгоҳи ҳар йили 200 нафар болани ўз бағрига олади.

У ерга борганимизда «Алномиш авлодимиз» номли спорт ўйинлари ўтказилаётган экан. Оромгоҳнинг шинамгина майдончасида ўғил болалар футбол баҳсига аллақачон киришишган экан. Болажонлар иштирокидаги «миллионлар ўйини»ни кузатиб бўлгач, дам олиш маскан тўгараклари томон йўл олдик. У ерда қизлар бадиий безак сирларини ўрганиш билан банд. Шахмат-шашка тўгарагида эса оромгоҳ раҳбари ва бир нечта ўғил болалар қизғин баҳс юритишмоқда. Уларнинг ўйинига ҳам гувоҳ бўлиб, оромгоҳнинг бош етакчини суҳбатга чорладик.

Оромгоҳимизнинг етакчи ва тарбиячилар жамоасини, асосан,

ёшлар ташкил этади, — деди «Лочин» болалар оромгоҳи бош етакчиси Гулёр Собурова. — Болаларнинг ёзги таътили мазмунли ўтиши учун турли тадбирлар ўтказиши, уларни фаол иштирок этишига чорлашга ҳаракат қиласиз. Хусусан, «Қизлар давраси», «Оромгоҳ маъликаси», «Балли, йигитлар», «Олтин тоҷ» каби анъанавий тад-

Жорий йилги соғломлаштириш мавсумининг биринчи босқичида юртимиздаги 834 болалар оромгоҳида 92569 нафар ўғил-қиз маърокли дам олди.



ТАЪТИЛ МАЗМУНИ ЎТМОҚДА

Ёз мавсумида фарзандларимизни соғломлаштириш ва дам олдириш, уларнинг бўш вақтини сермазмун ташкил этиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама етук, замон талабларига мос юксак интеллектуал салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялаш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларнинг муҳим йўналишлари дандир.

Бу йилги соғломлаштириш мавсуми ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Ёз мавсумида дам оладиган болаларнинг кўпчилиги кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар фарзандларидан, 2 минг нафари эса Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларидан иборатdir. Шунингдек, бу йил ҳам Оролбўй минтақасидан 3 минг нафар ўғил-қиз пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги энг сўлим, баҳаво оромгоҳларда соғломлаштирилмоқда.

Жорий йилги соғломлаштириш мавсумининг биринчи босқичи якунланди. 834 болалар оромгоҳида фарзандларимизнинг марокли дам олиб, ўз соғлигини тикилаши ҳамда таътилни мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароит яратилган. Дам олиш масканларида биринчи босқичда ҳордик чиқарган 92569 нафар бола учун ҳар бир кун унумли, завқли ва мазмунли ўтди.

Давлатимиз томондан фарзандларимизнинг ёзги соғ-

ломлаштириш мавсумини замон талаблари даражасида ташкил этишига қаратилаётган эътибор ва фамхўрлик йилдан-йил ўксалмоқда, — деди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Озода Муҳиддинова.

Боғча ва бошланғич синфларда машҳур «йиғлоқи»ларнинг бўлиши табиий. Эътибор берган бўлсангиз, тарбиячилар ҳам бундай болалар билан муносабатда жуда эҳтиёткор ва мулоҳим бўлишига ҳаракат қиласди.

Salomatlik saboqlari

лар. Сабабсиз йиғлайдиган болаларнинг аксарияти шовқин-сурон ва кўз ўшлар орқали ўз мақсадларига эришиши истайди, холос.

Қачон кўзларимиздан ёш чиқа бошлади? Ушбу саволга куйидагича жавоб бериш мумкин: чақалоқ түғилган вақтдан 4–11 ҳафта ўтгач, унинг кўзларидан ёш ажralиб чиқиши бошланади. Йиғи орқали ёш организм ташки мухит билан муносабатта кириша бошлади. Бу — туйулиарни сўз билан ифодалай олмайдиган гўдак учун катталар эътиборини жалб қилишнинг ягона усулидир. Бир вақтнинг ўзида кўз ўшлар шоҳпарда шиллик қаватини ҳўллаб туриш орқали, организмни турли зарарли инфекциялар ва ҳаводаги моддалардан ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради.

Чақалоқлар йигиси ўпқанинг ривожланиши ва нафас йўлларининг кенгайшига ёрдам беради. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда, фарзандингиз кўз ўшларига эътиборсиз бўлмаслик лозим. Чунки улар сизни бирор қасаллик ёки иччи безоваталик ҳақида огохлантираётган бўлиши мумкин.

**НЕГА
ЙИГЛАЙМИЗ?**

Кўзлар хилма-хил сабабларга кўра ўшланиши мумкин. Ҳалқ тили билан айтганда, кўз ўшининг кўз ўшидан фарқи бор. Баъзан, кўзга зиропча, чанг, тупрок, кум заррачалари тушиши, кучли ҳидга эга бўлган моддалар(бензин, ацетон, керосин, тутун ва б.) таъсирида олди.

Кўз ўши инсониятга хос бўлган бир мўъжиза. Биз унинг саломатлик учун фойдали ва зарарли жиҳатлари хусусида ол бўлса-да, маълумот беришга ҳаракат қиласди.

Ёдингизда тутинг, йиғлаш — табиий жараён. Ожизлик белгиси эмас! Тоҳир ИБРОХИМОВ, тиббиёт фанлари доктори

фоизи кўз яллиганиши, ўшланиши ва доим қизарип юришидан азият чекади. Кейинчалик, бунинг асоратлари конъюктивит деб аталувчи касаллик кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Яна бир турдаги кўз ўшлари руҳий ҳолатлар, хиссиётлар (тушкунлик, стресс) туфайли пайдо бўлади. Биринчи ҳолатда ҳаммаси тушунарли — бу табиий жараён. Бирок иккинчи ҳолатда инсоннинг нима учун йиғлаши жумбоқлигича қоляпти. Айрим тахминларга кўра, руҳий таъсир натижасида йиғлаш марказий асаб тизимини кучли таъсирланишдан асрайди ва хиссиёт билан боғлиқ жараёнларнинг енгил кечишини таъминлайди.

ВАҚТИДА
Йиғи орқали чиқариб ташланмаган хиссий кечинмалар гипертония, хафақонлик, юрак касалликлари, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак билан боғлиқ муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Аёлларнинг узоқ умр кўриши ва марказий асаб тизимининг мустаҳкамлиги уларнинг «йиғлоқи»лиқда эркакларга нисбатан анча илгарилаб кетгани билан изоҳланади. Зоро, улар эркакларга қараганда 4 баробар кўп йиғлайди. Бир қараща ожизлик белгиси бўлиб кўринган ушбу хусусият турли ҳаётий вазиятларда жуда ҳам кўл келади.

Кўп ёш оқишининг сабаблари:

- кўз ўшида кўз ўшлар таркибида кальций, магний, натрий, глюкоза каби моддалар бор. Таркибига кўра у қон плазмасини ўдга солади. Унинг миқдор ва сифатидаги ўзгаришлар бирор қасаллик сабаби ёки асорати туфайли бўлиши мумкин;
- кучли конъюктивит (куз ўшида кўз ўшлар таркибида кальций, магний, натрий, глюкоза каби моддалар бор. Таркибига кўра у қон плазмасини ўдга солади. Унинг миқдор ва сифатидаги ўзгаришлар бирор қасаллик сабаби ёки асорати туфайли бўлиши мумкин);
- дакриоцистит (куз ўшида кўз ўшлар таркибида кальций, магний, натрий, глюкоза каби моддалар бор. Таркибига кўра у қон плазмасини ўдга солади. Унинг миқдор ва сифатидаги ўзгаришлар бирор қасаллик сабаби ёки асорати туфайли бўлиши мумкин);
- блефарит, киприк атрофларининг яллиганиши;
- кератит (шоҳпарданинг яллиганиши);
- глаукома.

Ушбу ҳолатларда кўздан тўхтамай ёш оқади. Албатта, уларнинг олдини олиш ёки ўз вақтида даволаш талаб этилади.

Кўз ўши инсониятга хос бўлган бир мўъжиза. Биз унинг саломатлик учун фойдали ва зарарли жиҳатлари хусусида ол бўлса-да, маълумот беришга ҳаракат қиласди.

Ёдингизда тутинг, йиғлаш — табиий жараён. Ожизлик белгиси эмас!

Дунёниг гелиоцентрик тизими назарияси ни яратган олимнинг ватани Польшада унинг хотирасига ўрнастилган ёдгорликка "Кўёшни тўхтатган, Ерни силжитган одам", деб ёзиб кўйилган. Бу — Николай Коперник. Инсоният учун бу қадар кўп иш қилган кишилар тариҳда жуда кам...



Италияда ўтган ўн йил ёш ва фарон ҳаётидан жинде эркаланиб кетган каноникини жиддий тадқиқотчига, ҳар томонлама ривожланган, ҳар томонлама билим олган одамга айлантириди. Николай Коперник деганда кўпчилик астроном олимни тушунади. Ҳолбуки, яқинда топилган ҳужжатлар у ажойиб иқтисодчи олим ҳам бўлганидан далолат беради. Коперникнинг XVI аср биринчи чорагига мансуб учта қўлэзма асарида унинг Польшадаги пул муносабатларини барқорорлаштиришнинг эҳтимолий йўллари ҳақидаги қарашлари баён этилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Коперник ўз давридаги иқтисодий тафаккурнинг олдинги сафларида борган.

Ҳа, у ҳар томонлама ривожланган ва ҳар томонлама билим олган инсон эди, бироқ шубҳа-гумонларнинг аччиқ заҳ-

чалик бемаъни кўринса, китобим босилиб чиқиб, ҳар қандай шубҳа-гумон энг яқол далил-исботлар туфайли барҳам топганида ҳайрат ва миннатдорчилик туйғуси ҳам шунчалик кучли бўлади. Ана шуларни ўйлаган ҳолда дўстларим нашр этишини қўпдан бўён мўлжаллаб юрган асарим чоп этилишига, ниҳоят, розилик билдирам."

Олимнинг яккаю ягона, бениҳоя садоқатли ва, афсуски, шу биланги маҳшур бўлган шогирди Рэтик қимматбахо қўлэзмани Нюренбергга, матбациларга элтиб топшириди, муаллиф эса минорасида кутиб қолди. У деярли хеч қаерга чиқмас, хузурига ҳам камдан-кам одамни чакиради. Олим

КЎЁШНИ ТЎХТАТГАН ОЛИМ

Баланд бўйли, бақувват, икки юзи қизил, ўткир нигоҳли бу одам ёшлигидан бир умр роҳиблик ридосида ўтган бўлса-да, айни пайтда илмий ҳақиқатни айтгани учун ўрта аср черковининг энг ашаддий душмани саналган. "Фикрининг залвори, ҳис-тўйғусию феъл-атвори, серқирралигию закосига кўра" кимсан титанларга киёсланган, тариҳда кам учровчи инқилобчи Коперник бошига тушган балою кулфатлардан қандай омон қолганига ақл бовар қилмайди.

Ўрта асрлар Европасидаги диний мутаассибликинг энг катта қўллаб-куватловчиларидан бири бўлмиш Лютернинг ўзи Коперник ҳақида "Бу тен-так бутун астрономия санъатини остин-устун қилмоқчи", деб пичинг қилиб ўтади, холос. Дарҳақиқат, ўша даврда черков Жордано Брунодек инсоннинг ҳаётига зомин бўлди, Галилео Галилейдек даҳонинг эътиқодини синдириди, бироқ Коперникнинг ҳатто мушуғини «пишт» дейёлмади! Тўғри, уни тушунишмади, танқид, килишди, масхаралаб томошалар кўйиши, аммо Галилей ётган заҳ-рутубатли қамоқхона ва Бруно ёнган гулхан гуриллаши олдида бу нима, ахир!

Николай Коперниқдай тақводор руҳоний аслида кимлигини ўрта аср мутаассиб черкови ниҳоятда кеч билиб қолди, лекин фурсат бой берилганди. Унинг "Астрономия санъатини эмас, балки эътиқод асосларини" остин-устун қилиб юборган, "Табиатни тушунтириш масалаларида ўша давр черковининг мўътабар нуғузини чилпарчин қилиб ташлаган" Коперникини ҳали зарарсиз пайтида пайқамай қолиши. Унинг вафотидан 73 йил ўтгандан кейинингни ҳаётидаги асосий китоби бўлган "Осмон сфераларининг айланниши ҳақида" номли асарини инквизиция "то тузатилмагунига қадар" тақиқланган китоблар рўйхатига киритиб кўйди.

Инсон тақдирини феъл-атвори ҳам белгилар экан. Коперник на Бруно ва на Галилейга ўҳшарди. У фақатгина ўзлигига намоён эди. Олим ўзига тарафдор тўпламас, баҳс-мунозараларга интилмас эди. Баҳс чиқиб қолган тақдирда ҳам кўйиб-пишиб ўтирмай, айтган фикрида икки оёғини тираб туриб оларди. Ана шунда қарабасизки, ҳар қанча уруш-жанжал ҳам байни қояға урилган тўлқиндек унинг метин саботматонатига урилиб, парча-парча бўлиб кетарди.

Коперник бошқаларнинг фикрига кўпам эътибор қиласвермасди. Уни мактасса ҳам, сўнишса ҳам, бир зайлда жилмайиб тураверар, аммо бу нимкулгу остида нафрат аралаш бир лоқайдлик пинҳон эди. У ҳатто ўз устидан жинде киноя қилар, бунақаси эса ҳатто файласуфларда ҳам учрамаса керак. "Математикларнинг одатдаги мушоҳадаси

га ва балки соглом фикрга зид ўларок ҳолда Ер қисман айланишини тасаввур қилишга журъат этдим", деб ёзди у. Бу кесатик, эҳтимол, ўзига хос бир ҳимоя, таълимотини хаспўшлаш учун шунчаки бир ўйиндир? Лекин айни пайтда Коперник — очиқнгил ва савимий инсон эди. У ҳар хил миш-миш, иғволарга ҳеч қачон қўшилмайди. Обрайимга путур етиб қолса нима бўлади, деб заррача ташвишланмайди. Ўзғояларини тарғиб қилишга, атрофига ҳамфир одамларни тўплашга, шогирдлар йиғишига уринмайди.

Оиласда тўрт фарзанднинг кенжаси бўлган Николай отасини яхши эслалётмайди. Уни амакиси Лукаш Вигенроде тарбия қилган. Ҳукмифармо, бадковок, инсоний ва сиёсий қарашларидан қайсар, Тевтон рицарлари ҳам, Польша қироли ҳам "иблиснинг ўзи" деб таърифлаган бу кимса бутун умри мобайнинда ёлғиз бир кишига — жиянига меҳр қўйган, уни ёшлигидан папалаб ўстиргани етмагандай, то ўзи ўлгунча сўйиб-ардоқлаган одам эди. Ана шу амакиси туфайли Николай 24 ёшидаёт каноник бўлди, яъни тириклиги таъминланган, машаққатсиз ҳаёт кечирувчи одамга айланди. Зотан, Фромборк ибодатхонаси мўъжазгина бир мулк — бутун бошли бир давлат бўлиб, ўзининг хўжаликларига, овлоқ ва балиқчилик масканларига эга эди. Бу жойлардан тушадиган даромад эса бир ҳовчугина канониклар ва прелатлар ўртасида таъсиланарди. Ана шу амакиси Николайни аввал авлиё Ян мактабида, кейин Krakov университетида ўқитди, сўнгра билимни давом эттириши учун Италияга юборди.

XVI аср сарҳадидаги Италия. Леонардо да Винчининг етуклик ва Микеланжелонинг ўшлик пайтидаги сехрли иҳодиётига маҳлиё бўлган Италия. Афлотуни кашш ётган, Арастуни янгидан ўрганаётган, ўтмиш асрларнинг буюк кашфиётларини излашга иштиёқманд, Ўйғониши даврининг афсонаий парвозига интилган Италия. Коперник шу диёрда 10 йил юшади. Болонияда диний ҳуқуқ олиши керак бўлган Николай ундан ташқари ҳамма нарсани — тасвирий санъат, математика, астрономия, фалсафа, юони тилини ўрганди. У Болонияда диплом ололмади, лекин бундан заррача ўқингани ўйқ. Диплом, унвон, мансаб, мукофот деган нарсаларга бир умр лоқайд қараб ўтди. Болониядан Римга борганида ҳам ўрганиши керак бўлган нарсадан мутлако бошқа нарсаларни ўрганаверди. Пировардида Капитул уни ўз жойига чақирди, аммо Николай Италиядан кетишни истамасди сира. У ўқиши муддати узайтирилишини кетма-кет сўрайверди, илтимослари қондирилганда эса... Падуя ва Феррарида ҳуқуқшунослик ҳамда тибиёт билан шуғулана бошлади.

ри бутун борлигини қоплаган, юрагини кемиргани-кемирган эди. У Италиядан қадрдан Вармияга, Болтиқ денгизининг совуқ соҳилларига билимлари билан бирга азалий ҳақиқатларга доимо танқидий қарашга, уларни қайта англашга нисбатан бетизгин эҳтиёжи ҳам олиб келганди.

Ёлғизликни ёқтирадиган бу ўйчан одам Фрамборк ибодатхонасини куршаб турган қалъа деворининг мўъжазгина минорасида 30 йил юшади. Бъязан тунлари юлдузларни кузатганида деразада шарпаси кўриниб қоларди. Леонардо да Винчининг "Назария — саркарда-ю, амалиёт аскардир" деб тажриба ўқазишига ундан ташвишларига билимлари билан бирга азалий ҳақиқатларга доимо танқидий қарашга, уларни қайта англашга нисбатан бетизгин эҳтиёжи ҳам олиб келганди.

Коперникни ёқтирадиган бу ўйчан одам Фрамборк ибодатхонасини куршаб турган қалъа деворининг мўъжазгина минорасида 30 йил юшади. Бъязан тунлари юлдузларни кузатганида деразада шарпаси кўриниб қоларди. Леонардо да Винчининг "Назария — саркарда-ю, амалиёт аскардир" деб тажриба ўқазишига ундан ташвишларига билимлари билан бирга азалий ҳақиқатларга доимо танқидий қарашга, уларни қайта англашга нисбатан бетизгин эҳтиёжи ҳам олиб келганди.

Дунёниг гелиоцентрик тизими ҳам унинг учун илоҳий кашфиёт бўлмаган. Кўёш Ер атрофида эмас, балки Ер Кўёш атрофида айланиши ҳақида Коперникдан юзлаб йил аввал гапиришган, ёзишган. Птоломей тизими изоҳлаб беролмайдиган юзлаб далиллар кўплаб асрлар мобайнинда қадимги Юнонистон, Италия, араб мунахжимларининг асарларида йиғилиб, тўпланиб келаверган. Бу таълимотда нималардир нотўрилигини, Птоломей янглишаётганини кўпчилик ҳис қиласиди. Лекин нима ўша нарсалар? Бош-кети бир-бирига уланмайдиган бу таълимотни қандай қилиб тузатиш мумкин? Шу пайтгача ишониб келгандаримиз гирт ёлғон, аслида ҳаммаси мана бундай, деб юрак ютиб айтиш учун ким журъат қиласиди?

Олим асосий асари нашр этилишидан 30 йил мукаддам унинг кўлёзма нусхаларини турли мамлакатларга юборган. "Николай Коперник осмондаги ҳаракатларга доир фаразлари тўғрисида ва уларга қисқача шарх", деб номланувчи бўлғуси китобнинг ўзига хос кораламаси эди улар. Бу кўлёзмалар йўқолиб кетган деб ҳисобланарди, аммо 1878 йилни Вена архивларидан биттаси, орадан уч йил ўтгач Стокгольмда бошқа бир нусхаси топилди.

Асосий асарини нашр этишига қарор қиласиди у ёши бир жойга бориб қолган қария эди. Ўзининг ҳақлигига заррача шубҳаси бўлмаган Коперник хотиржамлик билан шундай деб ёзди: "Кўплаб бошқа олимлар ва ажойиб инсонлар айтишларича, барча математикларга фойда келтирувчи бу китобни чоп этишдан кўрқмаслигим керак. Ернинг ҳаракатлариниши ҳақида таълимотим кўпчиликка ҳозир қан-

итобини кутарди. 1542 йили ўпкасидан қаттиқ қон кетиб, ўнг кўли ва оёғи шол бўлиб, тўшакка михланиб қолди. Коперник бир умр шошмасдан юшади, ўлими ҳам оғир кечиб, узоққа чўзилди. 1543 йил 23 май куни узоқ кутилган китоб, ниҳоят, Нюренбергдан келтирилганида олим бехуш эди, лекин муқовани авайлаб силаб-сийпади. Бу нима — китобни эркалаганими? Ҳимоя қилганими? Ёки унга оқ йўл тилаганими?

Коперник ўша куни вафот этди. Такдир ўлим билан барҳаётлики учраширган эди. Олимнинг кабри йўқолиб кетди, аммо китоби қолди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, буюк бобомиз Абу Райхон Беруний фалакиёт илмининг бу соҳасига Коперникдан нақ беш аср мукаддам улкан ҳисса кўшган эди. У ўзининг илмий асарларида дунёниг тузилиши масаласида қадимги Миср олими Клавдий Птоломей (Батлимус)нинг назариясига суняса ҳам, Ернинг ҳаракати ҳақида ўша даврда ҳукмрон бўлган назарияга зид ҳақоний илмий далилланган фикрларни баён этишган. Масалан, "Хиндистон" асарида "Ернинг айланиш ҳаракати фалакиёт фани ҳисобларига ҳеч қандай зид келмаган, чунки Ерда юз бераидиган ҳодисалар унинг ҳаракати билан бирга бир текисда давом этаверади", деб мулоҳаза билдиран.

"Истаган хил астролябияни тайёрлашнинг тури ўсуллари ҳақида" номли рисоласиди Абу Саид Ас-Сижзийнинг астролябияси тўғрисида сўз юритганда эса жуда мухим хуносага келади: "Унинг негизи осмон ҳаракатлариниши эмас, балки Ернинг ҳаракатлариниши асосланганлиги учун мен уни жуда ҳам ажойиб кашфиёт деб ҳисоблайман". Беруний ёриткичлар ҳаракатини ҳандасавий изоҳлаш асосида оламнинг тузилишини тушунтирадиган геоцентрик ва гелиоцентрик тизимлар ўзаро тенг кучга эга, деган фикрга келади.

"Геодезия" асарида эса олим геоцентризм билан боғлиқ баъзи назарияларнинг тўғрилигига шубҳа билан қараганини очиқдан-очиқ баён этади. Аллома бу фикри билан дунёниг гелиоцентрик тузилиши назариясини ишлаб чиқишига ҳисса кўшди. У осмон ёриткичларининг ҳаракат траекторияси ва шакли эллипсоид экани ҳақида биринчи бўлиб фикр юритган олимлардан. Берунийнинг бу башорати Кеплер ундан анча кейин қиласига кашфиётни маълум даражада олдиндан айтиш эди. Лекум, барииб, илм-фан тарихида гелиоцентрик назария Коперникнинг номи билан қиласига кашфиёт эди.

КЎЗИ ОЖИЗЛАР УЧУН АВТОУЛОВ

Океанорти тадқиқочилари Кўзи ожизлар миллий федерацияси билан ҳамкорликда кўриш қобилиятини йўқотган инсонлар учун маҳсус автомобиль яратди. Хозирда «Форд Эскейп» модели асосида яратилган янги турдаги автоулов синовдан ўтмоқда, деб хабар беради АП.

Модель янги технологик ишланмалар, лазер ва видеокузатув камералари билан жиҳозланган. Виржиния технологик университети олимларининг фикрича, улар кўзи ожиз одамга машинани мустақил бошқариш имконини беради.

— Биз янги автоуловда «ижрочи-ҳайдовчи», яъни қаерга бурилиш, қаҷон қайси тугманни босиш ҳақида огоҳлантириб турувчи маҳсус йўл кўрсатиш курилмасидан воз кечдик, — деди мутахассислар гурухи раҳбарни Денис Хонг.

— Эндилиқда мазкур вазифани тебранма кўлқоплар бажаради. Аниқроғи, уларни тақиб олган ҳайдовчи кўлқопларга мустаҳкамланган бешта кичик ускуна

ёрдамида машинани нисбатан осонроқ бошқариши мумкин.

Шу билан бирга, турли ҳароратдаги ҳавони чиқаришга мўлжалланган кичик тўйнуклари бор бошқарув панели юзага келиши мумкин бўлган хавф ҳақида ҳайдовчининг юзи ёки кўлларига ҳаво оқимини жўннатиб огоҳлантиради. Маҳсус тебранма нимча эса тезликни тўғри белгилаб ҳаракатланиш ва рулни бошқаришда кўзи ожиз ҳайдовчига энг яхши кўмакчи бўлади. Фанда ўзига хос янгилик бўлган ушбу автоулов кенг ишлаб чиқиши кутилмоқда.




ИЛИК СУВ БИЛАН СОВУТИЛАДИ

Швейцария федерал технологиялар институтида «Ай-Би-Эм» компанияси томонидан ишлаб чиқилган «Аквасар» ўзига хос компютери ишга туширилди. Бу ҳақида «Трэйдинг Маркетс» маңбаси ўзлон қилди.

Мазкур хисоблаш машинасини ишлаб чиқиши сайд-ҳаракатлари бир йил олдин «Бу турда дастлабки» номли лойиҳа доирасида бошланганди. «Аквасар» компютерининг ўзига хослиги шундаки, у маҳсус совутиш тизимига эга. Аниқроғи, электрон хисоблаш машинасининг микропроцессорларидаги иссиқлик алоҳида микроканаллар орқали узатиб бериладиган сув билан совутилади. Компания вакилларининг таъкидлашича, мазкур техник усул ҳаво орқали совутиладиган суперкомпьютерларга нисбатан энергия сарфлашни 40 фоизга камайтиради.

Энтиборлиси, «Аквасар» тизимидағи сув совутиш каналлари орқали ўтаётганда +60 даражага кўтарилиши мумкин. Чиплар ёрдамида иситилган сув эса кейинги навбатда институт биноларини иситиши тизимида фойдаланилади. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, «Аквасар» компютерининг ишлаш тезлиги 6 терафлопсга тенг. Бу электрон хисоблаш машинаси секундига 1 триллионта амал бажариш ҳусусиятига эга деганидир.



ЧЕКИШ ОЗДИРМАЙДИ!

Тамаки маҳсулотларини чекадиган одамлар бошқаларга нисбатан ортиқча вазнга эга бўлиши сўнгги тадқиқларда аён бўлди. Наварра тибиёт университети олимлари чекадиган инсонлар зарарли одатни тўхтаттан ёки давом этириётган ҳолатда тана вазнининг ортиши ҳамда тамакига ружу кўйиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлини ўрганишган. Мавзуга бағишлиланган мақола «Revista Espacola de Cardiología» («Revista Espacola de Cardiología») журналида чоп этилган.

Мутахассислар 4 йилдан ортиқ вақт мобайнида изланиш олиб боришиган. Унда саккиз мингга яқин кўнгиллilar иштирок этган. Якунда олинган хуросалар қатнашчиларнинг вазни, ёши, жинси, яшаш тарзи, жисмоний фаоллик даражаси, алкоголь ёки маълум бир турдаги овқатга ружу кўйиши каби кўрсаткичларга таянган ҳолда тақдим этилган.

Натижада маълум бўлди, тажриба пайтида чекиши ташлаган иштирокчилар вазни улар зарарли одатни тўхтатган даврга қадар қанча тамаки маҳсулотини иситемол килганига боғлиқ экан. Тажриба пайтида улар қанчалик кўп чеккан бўлса, тана вазни ҳам шунга яраша оғир бўлган. Чекиши тўхтатмаганлар эса тадқиқот охирига қадар аста-секинлик билан семириб бориши кутилган. Хуросалар асосли эканини тасдиқлаш мақсадида умуман чекмайдиган инсонлар ҳам тажрибага жалб этилди. Охирида бўлса изланиш муаллифлари чекиши ортиқча вазнга қарши курашишда самаралини восита эмаслигини қатъи таъкидлашди.

Қолаверса, ортиқча вазнга эга бўлиши ва чекиши биргаликда юрак-қон томирлари тизимига салбий таъсири кўрсатади. Демак, тамаки маҳсулотларидан буткул воз кечиши юрак-қон томирлари ва онкологик касалларининг пайдо бўлиши эҳтимолини пасайтиради, дейиш мумкин.



НООДАТИЙ ДОРИ ВОСИТАСИ

Жон Хопкинс номидаги тибиёт мактаби (АҚШ) мутахассислари фақат аллергия ҳамда астма касалликларини кўзғатувчи ҳужайраларни йўқ килиш ҳусусиятига эга маҳсус полимер воситани ишлаб чиқишиди. Бунинг учун улардан ўн йил давомида Siglec-8 номли оқсилни батафсил ўрганиш талаб этилди. Илмий янгилик ҳақида sciencedaily.com электрон маңбаси ўзлон қилди.

Оқсил бир неча турдаги иммунитет ҳужайралари юза сида кутилади. Улар эса ўз навбатида, аллергик таъсири шакллантиришда иштирок этади ва айни пайтада химоя вазифаларини ҳам бажаради. Ушбу ҳужайралар тўғри фаолиятда бўлса, улар организмга сезиларли фойда келтиради. Аммо байзи ҳолларда улар аллергия ва астмани қўзғаси ҳам мумкин. Буни эътиборга олиб, мутахассислар тадқиқот доирасида касалликлар пайдо бўлишига сабабчи биокимёвий реакциялар зангирини «тўхтатишига» эришид.

Тажрибанинг муваффакияти кечишига кўп жиҳатдан бундан бир неча йил илгари ўтказилган тажрибалар ёрдам берди. Бунда, хусусан, Siglec-8 оқсилнига бирлашиб олиб, уни фаоллаштирадиган алоҳида шакар турлари борлиги аниқланган. Тажриба муаллифларининг сўзларига қараганда, оқсилни ташкил этувчи қисмларни бир пайтинг ўзида фаоллаштириш аллергияни кўзғатувчи реакцияларга тўсқинлик қилас экан.


Шундан келиб чиқиб, фаоллаштирувич шакар зарралари билан ўралган оқсил молекуласини лаборатория шароитида яратиш ва синаф кўриш футилган. Олдинга кўйилган мақсад кутилган натижани бергач эса, тадқиқотчилар аллергия ва астманинг авж олишига йўл қўймайдиган ўзига хос микроскопик дори воситаси яратилгани ҳақида маълум қилишиди.

ОЛМА ШАРБАТИ ВА АЛЬЦГЕЙМЕР КАСАЛЛИГИ

«Нейчэ биосайнс» нашрида ёзилишича, олма шарбати Альцгеймер касаллиги (хотира сустлашуви) аниқланган инсонларнинг умумий ҳолатига ижобий таъсири кўрсатади.

Мазкур йўналишда ўтказилган тадқиқот давомида беморлар маҳсус шифохонага жойлаштирилиб, бир ой давомида кунига 4 маротаба олма шарбатини ичган. Гарчи бу турдаги ичимлики истеъмол қилиш уларнинг қобилиятиларига катта таъсири кўрсатмаган бўлсада, касалликнинг ривожланишига туртки бўладиган феъл-автор ва руҳий белгиларнинг ижобий томонга ўзгариши кутилган.

— Олма шарбатининг кичик, аммо сезиларли ижобий таъсири Альцгеймер касаллиги аниқланган инсонлар ахволини маҳсус парҳез ёрдамида яхшилаши мумкин, деган қарашни юзага келтирди, — деди бу борада тадқиқотчилар.



АРИ ЧАҚСА, СОҒЛИҚҚА ФОЙДА

Сан-Паулу (Бразилия) университети олимлари асалари заҳри артрит (бўғимлар яллигланиши) касаллигини даволаш ва ҳаттоғи олдини олишда ҳам ёрдам бериши мумкин, дея таъкидлашмоқда. Бу ҳақида «Дейли Мэйл» маълум қилди.

Аниқланишича, асаларининг заҳри бўғимлар бодига олиб келувчи шамоллашни бартараф этиш ҳусусиятига эга экан. Бошқача айтганда, бундай оғу организмда шамоллашга қарши курашувчи глюкокортикоид туридаги табиий гормонларни фаоллаштирувич молекулардан ташкил топган.

Аввалига заҳарнинг таъсири кўнгларда синаф кўрилди ва якунда у артритинг авж олишига йўл қўймаслиги кутилди. Шундан сўнг моддадан касаллик пайтида бўладиган оғрикини қолдирадиган ва унинг олдини олишга мўлжалланган дори-дармонларни ишлаб чиқишида фойдаланиши мумкинилиги ҳақидаги фикр илгари сурила бошланди.

Энтиборлиси, гарчи асалари заҳри инсонда аллергик таъсири юзага келтирасада, асрлар давомида ундан нафақат артрит, балки астма ва склероз (паришонхотирли)ни даволашда фойдаланилган. Бундай даволаш пайтида беморни бир неча юзта асалари чақади, уларнинг нишлари маълум муддат давомида даволанаётган инсон танасида сақланиб туради (асалари чақанида унинг ниши танада ўтади, ҳашаротнинг ўзи эса нобуд бўлади).


Шу билан бирга, асалари оғуси организмидаги гемоглобин миқдорини ошириши, қоннинг куюқлашишига йўл қўймаслиги, оғрикини қолдириши, ишлашлаёти, уйку ва иштаҳани яхшилаши ҳам маълум. Модда яна қон томирларини кенгайтириб, заарланган органда қон айланисини тезлаштиради ва шу тақида тезроқ соғайишга туртки бўлади.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази Мактабгача, умумтаълим ва мактабдан ташқари таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациялаш бўлими бошлиги

Абдураҳмат НОРҚОБИЛОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдадрлик билдиради.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг «Ўкув-услубий бўлими» услугчиси Гулчехра Уалиевага волида мухтарамаси **Раиса ая ФАЙЗУЛЛИНА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.



Илм шундай ёр-
уф машалки, ор-
тидан эргашувини
нурофшон манзил-
лар сари элтади.
Узоқ ийлар даво-
мида таълим-бош-
қарув соҳасида са-
марали фаолият
юритиб, илим ва
маърифат йўлида
ибратли ишларни
амалга оширган
Жўрабой Халилов-
ни кишилар ана
шундай нурли манзилларга ин-
тилган инсон сифатида ёдга
олишиади.

1941 йил Андикон тумани-
даги Заврок қишлоғида тавал-



Xotira

лиягини раббат-
лантириб боришига
хизмат қиливчи «Зиё» газетаси-
нинг ташкил эти-
лишига, кўп ийл-
лик тажрибасига эга устоз ўқитувчи-
лар тажрибаларини оммалаштиришга
кўмаклашувни ви-
лояят фаҳрий-педа-
гогларининг «Нуроний — ус-
тоз» ўюшмаси ҳамда Ҳўжаобод
туманининг хушманзара мас-
кани — Дилкушод қишлоғидаги
муаллимлар дам олиш

ЭЛДА АЗИЗ ИНСОН ЭДИ

луд топган Жўрабой Халилов ўрта мактабни тамомлагач, ҳозирги Самарқанд давлат университетининг география факультетида таҳсил олди. Илк фаолиятини Асака туманинда 6-мактабда география ўқитувчisi сифатида бошлаган ёш мутахассис касбига садо-
кати, интилувчаниги ва бошқа ижобий хислатлари билан тезда эл эътиборига тушди. Бир мунча муддат муаллимлар килган Ж.Халиловни вилоят педагог ходимлар малақасини ошириш институтига ишга таклиф қилишибди. Фаолияти давомида устоз педагог-ўқитувчиларга камарбаста бўлди, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатишига интилди. Кўп ийлек самарали меҳнатлари билан эл эътиборини қозонгандан Ж.Халилов таълим бошқаруви соҳасидаги фаолияти давомида таълим ходимларига методик ёрдам бериш, улар фа-

ромгоҳи фаолиятига асос со-
линишида ҳам хиссаси катта
бўлди.

1998 йилдан вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш институтида ректор, маънавий ва маърифий ишлар бўйича про-
ректор ва кагта ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатган Жўрабой Халилов ўқитувчilar билими, дунёкараши ва касбий маҳоратини оширишда замонавий-техник воситалардан фойдаланишга эътибор қаратди. Бу даврда устоз томонидан 30дан ортиқ рисола ва 40га яқин илмий ҳамда 200га яқин методик мақола яратилган.

Эл сўйган инсонлар хоти-
раси ҳеч қаҷон унут бўлмайди. Зоро, қилинган фидокорона меҳнатлар, инсонлар кўнглига қадалган меҳр уруғлари орадан не-не замонлар ўтса ҳам, унинг сиймосида кўкка бўй чўзувади.

С.РУСТАМОВ

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги хузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш» UZB-4 лойиҳаси доирасида куйидаги йўналишлар бўйича маҳаллий эксперталар танловини эълон қиласди.

Маҳаллий эксперталар номзодларига кўйиладиган талаблар:

1. Тезкор стратегияни ишлаб чиқиш бўйича:

1. мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли ис-
тиқбол дастурларини ишлаб чиқиш амалий тажрибасига;
2. лойиҳалар доирасида экспертлик тажрибасига;
3. камида 10 ийллик иш стажи;
4. камида 5 ийллик педагогик стажи;
5. АКТни таълим соҳасида кўллаш ва интернетдан фойдаланиш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

2. Таълим мазмунини ишлаб чиқиш бўйича:

1. ҳалқ таълими тизими мазмунини яхши биладиган;
2. умумтаълим мазмунини тушунадиган ва таҳлил этиш тажрибаси;
3. камида 5 ийллик иш стажи;
4. педагогик стажига эга бўлиши.
5. АКТни таълим соҳасида кўллаш ва интернетдан фойдаланиш малакасига эга бўлиши лозим.

3. Таълим дастури ва ўқув материалларини ишлаб чиқиш бўйича:

1. ҳалқ таълими тизими мазмунини яхши биладиган;
2. таълим дастури ва ўқув материалларини ишлаб чиқиш тажрибасига эга;
3. лойиҳаларда тренинг дастури ва материалларини ишлаб чиқишида иштирок этган;
4. иш стажи камида 7 йил бўлган;
5. педагогик стажи камида 5 йил бўлган;
6. АКТни таълим соҳасида кўллаш ва интернетдан фойдаланиш малакасига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Номзодлар ўзлари ҳақидаги куйидаги хужжатларни юборишлари лозим:

- шахсий варакаси;
- паспорт нусхаси;
- диплом нусхалари;
- малақа ошириш курсларида бўлганлигини тасдиқловчи сертификат нусхалари.

Номзодлар ҳақидаги хужжатлар жорий йилнинг 16 июлига қадар қабул қилинади. Белгиланган муддатдан кечириб юборилган хужжатлар танлов учун қабул қилинмайди.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази.

Маълумот учун телефонлар: 2231631, 2231637

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

2010-2011 ўқув йили учун бакалавриат ва магистратурага қабул эълон қиласди

Бухоро давлат университети нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёдаги етук, малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича таянч Олий ўқув юрти — илм-маърифат масканидир.
2010-2011 ўқув йилида Университетда мавжуд 10 факультетнинг кундузги бўлумига куйидаги 34 таълим йўналиши бўйича бакалавриатга қабул амалга оширилади.

- тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси;
- қасб таълими (иктисодиёт);
- қасб таълими (агрономлик);
- қасб таълими (амалий санъат);
- қасб таълими (графика);
- мусиқий таълим;
- чақириқча ҳарбий таълим;
- рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда);
- миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими;
- бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иш (ўзбек гуруҳлари учун);
- бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иш (тожик гуруҳлари учун);
- жисмоний маданият (ўзбек гуруҳлари учун);
- жисмоний маданият (тожик гуруҳлари учун);
- меҳнат таълими, жисмоний маданият (рус гуруҳлари учун);
- бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иш (рус гуруҳлари учун);
- филология ва тилларни ўқитиши, ўзбек тили, инглиз тили (ўзбек гуруҳлари учун), инглиз тили (рус гуруҳлари учун), немис тили француз тили, рус тили, тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича);
- психология (фаолият турлари бўйича);
- иктисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича ўзбек);
- иктисодиёт (тармоқ бўйича (рус), биология, кимё, география, математика, амалий-математика ва информатика, агрономия (дехқончилик маҳсулотлари бўйича), агрокимё ва агротурбушунослик, ер тузиш ва ер кадастри, сув ҳўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш, туризм ва меҳмонхона ҳўжалиги сервиси, экология ва табиятдан фойдаланиш).

Хужжатлар 2010 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади

Куйидаги хужжатлар топширилади:

1. Университет ректори номига ариза.
2. Ўрта ёки ўрта маҳсус маълумоти ҳақидаги хужжатнинг асл нусхаси.
3. Паспорт нусхаси.
4. 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.
5. 3,5x4,5 см. ўлчамли бта фотосурат.

Ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги хужжат ва паспорт шахсан кўрсатилади.

Магистратурага 10та мутахассислик бўйича:
муҳандислик графикаси, чақириқча ҳарбий таълим, жисмоний маданият, инглиз адабиёти, ўзбек адабиёти, назарий физика, амалий математика ва ахборот технологиялари, математик физика, агрономия (далачилик) бўйича магистрантлар сафига қабул қилинади.


Магистратурага кириш учун хужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Куйидаги хужжатлар топширилади.

1. Университет ректори номига ариза (магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда).
2. Олий маълумот ҳақида хужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси.
3. Паспорт нусхаси.
4. 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.
5. 3,5x4,5 см ўлчамли бта фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида хужжат шахсан кўрсатилади.

Хужжат топширган абитуриентларга тест синовлари ўтказиладиган фанлар бўйича малакали профессор-ўқитувчилар томонидан маслаҳат берилади.



Манзил: Бухоро ш. М.Иқбод кучаси, 11-йи

тел.: 8(365) 222-95-13

АЗИЗ ЙИГИТ-КИЗЛАР!

Университетимизнинг талабаси бўлишингизга тилакдошмиз!
Омад сизларга ёр бўлсин.



МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА УЙГУНЛАГИ ЎҚУВ АМАЛИЁТИ ДАВОМИДА ТАЛАБАЛАРНИ ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАРГА УНДАМОҚДА

Ёз мавсуми — талаба учун ҳам таътил, дам олиш даври. Аммо кўплаб ёшларимиз дам олишга ҳали шошилаётгандарни йўқ. Жумладан, Тошкент архитектура ва курилиш институти талабалари ҳам шу кунларда ўқишдан кейинги амалиётни тугаллаш арафасида.

Ҳар иили мазкур ўқув даргоҳида таълим олаётган ёшларнинг амалиёт даврида республикамиздаги турли шаҳарларда бўлиб, қадимги ёдгорликлар — меъморчиликнинг турли давларларга оид кўринишларини ўрганиши одат тусига кирган. Бундан максад эса, бўлажак ёш мутахассислар — архитекторларда миллий қадриятларимиз, кўхна обидаларимизга қизиқиш ва аждодларимиздан фахрланиши туйғусини ўйғотиш орқали ушбу на муналардан келгусида замонавий бинолар лойиҳаларида ўз ўрнида фойдаланиш малакасини шакллантириб боришидир.

— Меъмор тарихий обидаларни

ўрганимай туриб, келгусида ўз йўлини топиши кийин, — дейди архитектура факультети, архитектура тарихи ва наузаияси кафедраси доценти Мастира Мириюсупова. — Шу сабаб, талабаларимиз амалиёт даврида соҳа тарихига назар ташлайдилар. Ўзим раҳбарлик қилган 2-босқич талабалари бу йил Тошкентдаги Шайхонтохур мажмуасининг Шайх Хованди Тахур мақбарасида амалиёт ўташди. Улар бинонинг қирқими, фасади, безаклари, умумий лойиҳаларини ўрганиб, ўлчаш ишларини олиб боришид. Бу жараёнда талабалар ўша давр усталарининг маҳоратини биноларнинг мустаҳкамлигини бўлажак мутахассис сифатида хис этишид, дея оламан.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз билан бирга кўхна обидаларимизга, умуман архитектурага ётибор кучайганини кўплаб қадамжоларнинг қайта тикланишида, ободонлаштирилганида ҳам кўриш мумкин. Амалиётдан максад талабаларимизга соҳага кўрсатилаётган юксак ётибор-



ни, шу билан бирга архитектура соҳасининг кенг имкониятларини ҳам кўрсатиш эди. Бинони ўрганиш, унинг безакларидан нусхалар кўчириш давомида талаба миллий меросимизни асрар-авайлашни, уларни келгуси авлодларга етказишида ўзи ҳам масъул шахс эканлигини теранроқ англайди.

Мақбара архитектурасини ўрганган талабалар — Равшан Эргашев, Беҳзод Абдураҳмонов, Аҳаджон Аҳмаджоновни бино безакларига ишлатилган рангларнинг сирли жиҳатлари ва улар ишланган давр тарихи жуда қизиқтириб кўйди.

— Ёзги амалиёт даврида пойтахтимизнинг Кўкча даҳасидаги Зайниддин бобо мақбарасини ўргандим, — дейди яна, бир талаба Хуршид Файзиев. — Мазкур бинодаги қадимги нақшлардан нусха кўчириш давомида ўша давр меъморлари ўз ишининг нақадар устаси

булганига яна бир бор амин бўлдим. Ўйлайманки, амалиёт даврида шаклланган илк тажрибаларимиз бизга келгусида — чинакам мутахассис сифатида иш бошлаганимида ҳам кўл келади.

Мухаббат ШАРИФОВА
Муаллиф олган суратлар.



Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Olyi va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinnbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinnbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinnbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yhatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-622.
Tiraji 27800.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida boshilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Rayhona XO'JAYEVA.
Navbatchi:
Sanjar RUSTAMOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar mualifiga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lifi yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, olyi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lifi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmlari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lifi yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqt — 21.00.
Topshirildi — 00.50
YuA ikunni — 01.00